

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ МИНБАРИ

“ДОНИШНОМА”ДА ШАРҚ ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРИ ИФОДАСИ



Икромкул Худойбердиевич РАҲМОНКУЛОВ

Ўқитувчи

Ўртачирчиқ педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежи

Ўртачирчиқ, Ўзбекистон

ikrom.rahmon1990@mail.ru

Аннотация

Ўрта асрларда Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқда кўплаб фалсафий асарлар яратилди. Ушбу манбалар ичида Абу Али ибн Синонинг “Донишнома” асари муҳим ўрин тутади. “Донишнома” – соф фалсафий асар. Унда тилга олинган фанлар таснифи ва фалсафий ғоялар кейинги давр илм-фани ривожига учун катта хизмат қилди. Мақолада шу хусусда сўз боради.

Калит сўзлар: комусий олим; фалсафа; мантик илми; табиат илми; илми нужум; мусиқа илми.

ВЫРАЖЕНИЕ ОРИЕНТАЛЬНОЙ ФИЛОСОФСКОЙ МЫСЛИ В «ДАНИШ-НАМЭ»

Икромкул Худойбердиевич РАҲМОНКУЛОВ

Преподаватель

Уртачирчиқский педагогический и сервисный колледж

Уртачирчиқ, Ўзбекистон

ikrom.rahmon1990@mail.ru

Аннотация

В философских источниках, которые возникли в средневековье в Центральной Азии, Ближнем и Дальнем Востоке, книга «Даниш-намэ» – «Книга знаний» Абу Али ибн Сины играет важную роль. «Даниш-намэ» считается одним из чисто философских произведений, и классификация знаний, которая затронута в нем, а также философские идеи сыграли важную роль в развитии науки.

Ключевые слова: энциклопедист; философия; знание логики; натурфилософия; астрология; музыка.

EXPRESSION OF ORIENTAL PHILOSOPHICAL THOUGHT IN “DANISHNAME”

Ikromkul Hudoyberdievich RAHMONKULOV

Teacher

Urtachirchik Pedagogical and Service College

Urtachirchik, Uzbekistan

ikrom.rahmon1990@mail.ru

Abstract

In the philosophical sources that arose in the Middle Ages in Central Asia, the Near and Far East, the work “Danish-name” of Abu Ali ibn Sina plays an important role. “Danish-name” is considered as a purely philosophical work, and the classification of knowledge that is affected in it, as well as philosophical ideas played an important role in the development of science.

Key words and concepts notions: encyclopaedist; philosophy; knowledge of logic; natural philosophy; astrology; knowledge of music.

Ўрта асрларда яшаб ижод этган марказий осиёлик қомусий олимлар – Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий Шарқ фалсафасига оид асарлар ёзиб, ўз даври илм-фани пилигини бир қарра юқорига кўтарди. Бу алломалар фаннинг турли соҳаларига оид асарлари билан илмдаги янгиланишларга сабаб бўлдилар ва уларнинг асарлари авлодлар учун дарслик вазифасини ўтай бошлади. Бу давр олимлари яратган асарлар Шарқ фалсафий тафаккурини ёритишга қимматли манба бўлиб хизмат қилган асарлардан бири – Ибн Синонинг “Донишнома” сидир.

Асарнинг яратилиш тарихи, унда тилга олинган фанлар таснифи, файласуф томонидан илгари сурилган фалсафий ғоялар кейинги давр олимлари томонидан тадқиқ этилди. Хусусан, асарнинг манба сифатидаги аҳамиятига ҳамтурли даврлардаги файласуф-манбашунослар эътибор қаратганлар. Ушбу тадқиқотлар натижасида асарнинг ҳам манба сифатидаги, ҳам соф фалсафий асар сифатидаги ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги фикрлар пайдо бўлди.

“Донишнома” асари юнон илмлари таъсирида ёзилган. Бу илмларнинг асардаги фанлар таснифи жиҳатидан аҳамияти жуда юқори.

Асарни Ибн Сино вафотидан бир неча йил илгари ёза бошлаган эди, уни шогирди Жузжоний якунига етказди. Ўрта аср анъаналарига мувофиқ асар ҳукмдорнинг топшириғи билан ёзилган эди. Доктор Муҳаммад Муин “Донишнома”нинг илоҳиётга доир қисми муқаддимасида ўз изланишларини ҳақида гапириб, шундай деб ёзади:

“Китобнинг ёзилиш сабаби шуки, Ибн Сино ҳукмдор Алоуддавланинг топшириғига биноан бу асарни ёзишга бел боғлайди (6, 1–2). Аммо Шохимардон ибн Абулхайр ўзининг “Незҳатнома”, “Ташаккурнома” асарларида бу фикрни ошқор қилиб, шундай ёзади: “Худо ёрлақан Алоуддавла – Худо давлатини зиёда ва абадий қилсин – Хўжа Раис Абу Али ибн Синога дедилар: “Агар ҳикмат илми (фалсафа) форсийда имкониятларни оча олганида, мен ҳам ўрганар эдим”. Мана шу ҳукми фармон билан “Донишнома” яратилди” (8, 37). Демак, асар анъанага мувофиқ ҳукмдорга бағишлаб ёзилган, бу билан муаллий ўз замондоши ва ҳукмдорига лутф қилган эди.

Асарда илмнинг турли йўналишлари ҳақида фикр юритилади. Бунда Ибн Синонинг фанлар таснифи ҳақидаги қарашларини кузатиш мумкин. Бу эса Ибн Синонинг Ўрта асрлар Шарқида фанларнинг турли йўналишларида ижод қилган қомусий файласуф эканлигидан далолатдир.

“Донишнома” бир нечта илмларга бағишланган бўлимлардан иборат. Файласуф “Донишнома”да фанларни тасниф қилиш билан бирга масалага Шарқ фалсафий тафаккури нуқтаиназаридан ёндашади. Ислоҳ Шарқида шаклланган илмлар ҳақидаги тасаввур бизда айнан “Донишнома”даги бағишланган қисмларни ўрганиш орқали пайдо бўлади. Хусусан, доктор Муҳаммад Муин асарнинг қисмлари борасида қуйидагиларни келтиради:

“Ибн Сино китобнинг муқаддимасида шундай ёзади: “Китобни форсий-дарийда ёздим. Унда фалсафанинг асосий беш илмидаги мулоҳазалар ва қарашларни жам қилдим. Қисқача таснифи қуйидагича:

Биринчиси – мантиқ илми. У илмда мутаносибликдир (тарози).

Иккинчиси – табиат илми. Бу – нарсаларнинг ҳаракатланиши ва айланиб туришини кўриш мумкин бўлган илмидир.

Учинчиси – илми нуҷум (фалакиёт, астрономия). Бу илм хусусияти шуки, осмон ва юлдузлар ҳолати ва ҳаракати, уларнинг қайта такрорланмаслигининг ҳақиқатини билишдир.

Тўртинчиси– мусиқа илми. Бу соз ва носоз товушлар, ноталарнинг кўйилиш ўрни сабабларини ўрганади.

Бешинчиси –табиатдан ташқаридаги илм – “Илоҳиёт” илмидир (8, 37).

Аммо муаллиф асарни ёзиш пайти бунга алоҳида муносабат билдирмаган. “Донишнома”нинг тўлиқ қисмларида бу қуйидаги беш илмга ҳандаса (геометрия) ва илми ҳисоб ҳам қўшилган ва бу илмларнинг тартиби қуйидагича: мантиқ илми, илоҳиёт илми, табиат илми, ҳандаса (геометрия), ҳисоб илми, астрономия ва мусиқа илми.

Ибн Сино асарнинг мантиқ илми муқаддимасидашундай деб ёзади: “Мантиқ илмидан кейин шундай бир ғайрат сездимки, юксак маҳорат ила метафизика илмига киришдим. Илмларни кетма-кет таснифлашда анъана ва одатга кўра ёндашдим. Табиат илмига ҳам шундай киришдим” (8, 38).

Ибн Синонинг “Донишнома” асари ўз даври ва ундан олдинги давр анъаналарига мувофиқ фалсафий илмларни ўзида жамлаган асардир. Муҳаммад Муин изланишлари давомида бизга асарнинг номи ва унинг қисмлари хусусидаги баҳсларга манбаларни қиёсий таҳлил қилиб жавоб беришга ҳаракат қилади. Чунки асарнинг бағишланган қисмларида унинг номи турлича келган.

Бу фарқ кўлёмаларда ҳам сезилади. Шу боис биз уларни келтириб ўтишни маъқул кўрдик:

Иқбол Оштиёний кутубхонасига тегишли “Донишнома”нинг мантикқа оид қисми сарлавҳасида шундай ёзилган: “*Шайхнинг аълодонииномаси*” (“*دانشنامه*”) (“*علائى للشيخ*”) (6, 1-2). Мажлиси Шўройи миллий кутубхонасида сақланаётган “Донишнома”нинг мантикқа бағишланган нусхаси сарлавҳасида нусханинг ушбу қисмига “*Мантиқи донишнома*” (“*منطق دانشنامه*”) деб, илоҳиёт ҳақидаги қисми сарлавҳасида “*Илоҳийи донишнома*” (“*الهی دانشنامه*”) деб, табиат тўғрисидаги қисмида “*Табиийи донишнома*” (“*طبیعی دانشنامه*”) деб, геометрияга бағишланган қисми сарлавҳасида “*Ҳандасайи донишнома*” (“*هندسه دانشنامه*”) деб, астрономияга бағишланган сарлавҳасида эса “*Ҳеёти донишнома*” (“*هیا دانشنامه*”) деб, ҳисоб-китобга доир қисми сарлавҳасида “*Арсамотеқи донишнома*” (“*ارثماطقی دانشنامه*”) деб, муסיқага оид қисми сарлавҳасида “*Муסיқийи донишнома*” (“*موسیقی دانشنامه*”) деб ном берилган. Асарнинг муסיқага оид қисми охириги саҳифаларида эса қуйидагилар битилган: “Донишномайи аълоийи” китобининг ҳар икки жилди Худонинг инояти билан ниҳоясига етди”. Келтирилган узиндилар асар ҳақида яхлит тасаввур бериб, унинг фалсафий фанларга бағишланган қисмлари ҳақида маълумот беради.

Муҳаммад Муин асарнинг илмий-танқидий матнини яратиш баробарида унинг бағишланган қисмлари ўз даврида нақадар машҳур бўлганлигини айтади. Негаки, асар номи ҳақида Ибн Синога даврдош ижодкорлар маълумот берган. Шу боис ҳам асардаги жумлалар синчковликни талаб қилади. Мажлиси Шўройи миллий кутубхонасига қарашли 1322-рақамли нусха машҳур олим Саид Муҳаммад Содик Таботобойга тегишлидир. Ушбу нусханинг мантикқа оид қисмида:

“Шайх ур-Раис Абу Али Ибн Синонинг “Донишнома” китобида мантик илми...” (“*فنّ منطق از کتات دانش نامه شیخ الرئيس شیخ ابو الی سینا...*”) дея ёзилган. Ўша нусха охирида: “Аъло мантик ниҳояси” (“*منطق علایى، تمت*”) деб асар тугаган. Худди шу нусханинг илоҳиётга доир қисмида “Абу Алининг аъло фалсафаси” (“*حکمت علانه*”) ҳамда нусханинг охирида “Аъло фалсафанинг илоҳиёт қисми ниҳоясига етди” (“*تمام شد الهیات حکمت علایى*”) деб ёзилган. Асарнинг табиатга оид қисмида эса шундай жумла ёзиб қўйилган: ““Донишномайи аълоийи” китобидаги табиат фалсафаси Ибн Сино таснифларидандир” (“*فنّ حکمت طبیعی از کتاب دانش نامه علایى از*”) (“*مصنفات شیخ الرئيس*”).

Асар ҳақида турли даврларда билдирилган мулоҳазалар ҳам диққатга сазовордир. Чунки ушбу асар ҳақида бирор сўз айтган олим, шоир ёхуд

тарихчилар унинг аҳамияти, таркиби ва таснифи борасида ҳам фикрларини қолдирганлар.

Масалан, асарнинг яратилиш сабаби ва тарихи борасида Мувоффуқиддин Абулаббос Аҳмад ибн ал-Қосим ибн Халифа ибн Юнус Саъдий Хазаржий (ҳижрий 600-668) ўзининг “Уюн ал-анба фи табоқат ат-тибба” (9, 19) (“عيون الا طباء” “نباء فى طبقات الا طباء”) асарида Шайх ур-Раис таснифларидан келтиради: “Дониш мойи аълойи” (“دانش نامه العلانى”) китоби форсча бўлиб, исфаҳонлик Алоуддавла ибн Кокуий таснифларидир”(8, 37).

Қутбиддин Муҳаммад ибн Зиёвуддин Маъсуд Шерозий (ҳижрий 634-710) “Дуррат ул-тож” (“درّة التّاج لغرّة الدّجاج”) асарида “Донишнома”нинг баҳсли номи ҳақида гапириб, асарни “Донишномеи аълойи” деб зикр этади.

Хожи Халифа ва Котиб Чалабий номи билан машҳур Мустафо ибн Абдуллоҳ (1004–1067) “Кашф ал-Зуннун ан-асоми ал-кутуб ва ал-фунун”(10, 133) (“كشف الظّنون عن اسامى الكتب والفنون”) асарида қуйидагиларни келтиради:

دانشنامه – فارسى مختصر الشيخ الرئيس ابن سينا، اشارفيه الى مباحث الحكمة و
“Донишнома – Шайх ур-Раис Ибн Синонинг форс тилидаги мантиқ ва фалсафа ҳақидаги хулосаларидир”. Ушбу муаллиф бошқа ўринда асар номи ҳақида: “Китоб ал-Аъло Шайх ур-Раис Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ Ибн Синоникидир”, – дейди.

“Донишнома” ва унинг номи ҳақидаги мулоҳазалар ҳам қимматли ҳисобланади. Бу ҳақида Муҳаммад Муин асарнинг “Илоҳиёт” бўлими муқаддимасида бир қанча маълумотларни келтириб ўтган. Умуман, асар жуда кўп жиҳатидан ўқишли ва ибрат оларлидир.

Аввало, асар Ибн Сино замонидаги энг олий фалсафий илмларни ўзида жам қилган. Бундан ташқари, ўз даврида асарнинг аҳамияти жуда катта бўлган. Чунки “Донишнома” ўша давр анъанасига мувофиқ араб тилида эмас, форс тилида ёзилган. Айнан асар ёзилган даврда Мовороуннаҳр ва Хуросон ҳудудида Араб халифалиги таркибидан бир нечта мустақил давлатлар ажралиб чиқади. Бу ҳақида Беруний ҳам ўзининг қўлёзмаларида ушбу даврда сомонийлар халифаликка қарши равишда форс тилининг ёйилишини қўллаб-қувватлаганлигини ёзади. Натижада, сомонийлар ҳукмронлиги ўрнатилган ҳудудларда форс тили кенг ривожлана бошлайди. Ибн Сино буни англаган ҳолда ўзининг охириги йирик асарини форс тилида ёзишга қарор қилади. Бу форсийзабон аҳоли учун жуда маъқул эди. Шу сабабдан кўпчилик фалсафий илмларни ўзида жамлаган ушбу асарни севиб ўқилган.

Ушбу ёндашувнинг яна бир эътиборли жиҳати ҳам бор Ибн Синонинг “Донишнома” асаридаги фалсафий қарашлар Ажам халқларининг мантик, табиат, муסיқа ва астрономия илмлари соҳасидаги қарашларини бойитишга хизмат қилган.

Ўз даврида “Донишнома” асари турли номлар билан мусулмон оламида машҳур бўлган. Хусусан, асар тадқиқотчиси Меҳди Муҳаққиқ бу борада қуйидагиларни келтиради:

“Шайхнинг энг қимматли асл форсча тўплами “Донишнома”дир. Асар “Донишномайи аълоий”, “Китоб ал-аълоий”, “Ҳикмат ал-аълоий”, “Усул ва нуқот илми ҳамсеи ҳикмат” (“Фалсафанинг беш илми усуллари ва кўрсатмалари”) каби номлар билан ўз даврида машҳур бўлган”(7, 35). Асар форсчада “Донишномайие аълоий” дир. Унинг арабча номлари ўз даврида “كتاب عالي” яъни “Китоби аълоий”, “حکمت عالي” – “Ҳикмати аълоий”, “الرسالة العالائية” – “Ал-рисолайи ал-аълоий” ва яна бири “الحكمة العالائية” – “Ал-ҳикмати ал-аълоий” деб аталган. Асарнинг уч қисми айнан Ибн Сино қалами билан битилган. Бу қисмлар “Илоҳиёт илми”, “Табиат илми” ва “Мантиқ илми”дир. Асар соф фалсафий-мантиқий илмлардан иборат. Булар шундан далолат берадики, асар ўз даврида бутун мусулмон оламида машҳур китоблар қаторида бўлган.

“Донишнома” асари тахминан ҳижрий 487 йили (милодий 1109 й.) Абу Ҳомид Ғаззолий томонидан Боғдодда араб тилига таржима қилинган. Шу ўринда айтиш мумкинки, Ғаззолий ўзининг “Фалсафанинг мақсадлари” асарида айнан Ибн Синонинг “Донишнома”сидаги илмий маълумотлардан фойдаланган (1), деган фаразлар ҳам мавжуд. Яна шуни айтиш керакки, мустақил тадқиқотчи Саййид Ҳусайн Мусовиён Ғаззолийнинг Ибн Сино фалсафасига раддия ёзганлигини қайд этади. Бунда у “Донишнома”даги фалсафий мулоҳазаларни араб тилида шарҳ асосида баён қилган. Ғаззолий ўзининг “Файласуфларнинг мақсадлари” асарида (“مقاصد الفلاسفه”) Ибн Синонинг борлиқ ҳақидаги фалсафий мушоҳадаларига раддия билдирган (3). Ғаззолий таржима ва шарҳларидаги талқилари билан Ибн Сино қарашларига шарҳва раддиялар берган ва ўзининг борлиқ ҳақидаги қарашларини шакллантирган, дейиш мумкин.

Эронлик яна бир тадқиқотчи Муҳаммад Ҳусайн Маликиён ҳам ўзининг тадқиқотларида “Донишнома”нинг мантиққа оид қисмини таҳлил қилади. Тадқиқотчи асар ва унинг қиммати ҳақида қуйидагиларни ёзади:

“Донишномайи аълоий” ҳам илмий-фалсафий, ҳам адабий-тарихий жиҳатидан энг муҳим ва қимматли асар ҳисобланади. Шуни таъкидлаш керакки, асар ўзидан олдинги ёзилган бошқа асарлардан тилининг энгиллиги ва тушунарлилиги билан фарқланади ва устун туради. Асар фалсафа илми бўйича

форс тилидаги энг биринчи *донишнома* ҳисобланади. Унда илмнинг беш тури: мантиқ, табиат, фалакиёт, илоҳиёт ва мусиқа ҳақида муфассал мулоҳазалар берилган (2). Муаллиф ўз мақоласида асарнинг илмий жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтган ва айниқса, мантиқ илми таҳлили борасида ўз фикрларини баён қилган.

Америкаликтадқиқотчи Парвиз Мораведж ушбу асарга асосланиб ёзган “Ибн Сино метафизикаси” китобида “Донишнома”нинг қиммати ва аҳамияти ҳақида шундай дейди:

“Авиценна – Ибн Сино ислом дунёсидаги энг машҳур файласуф. У асарларининг асосий қисмини мусулмон мамлакатларининг тили бўлмиш араб тилида ёзди. Шунингдек, ўзининг она тили бўлган форс тилида ҳам қалам тебратди. Илм сарҳадининг қомусийлик жиҳати унинг ишларининг кўламида намоёндр. Ўз даври фан соҳаларининг икки мингдан ортиқ илмий фараз ва далилларини ўртага қўя олди. ... “Донишнома” унинг форс тилида ёзилган, асосий асаридир. Асар Арасту фалсафаси, мантиғи, метафизикаси, физикаси ва математикаси таъсирида ёзилган бўлса-да, файласуфнинг ёндашуви билан бу илмлар бойитилганини кўришимиз мумкин. Бу илмлардан учтаси (илоҳиёт, табиат ва мантиққа оид илмлар) ҳақидаги бўлимларни Ибн Синонинг ўзи ёзган, қолганларини унинг шогирди Жузжоний тўплаган”(8, 4). Парвиз Мораведж ўзининг ушбу асарида “Донишнома” нинг метафизикага оид бўлимини инглизчага таржима қилиб, унга шарҳлар ёзган. Муаллиф асарда Ибн Сино фалсафаси борасидаги баъзи илмий баҳсларнинг ечимини беради ва “Донишнома” матнлари шарҳи орқали буни исботлайди. Умуман, Парвиз Мораведж “Донишнома” матнлари ва уларнинг моҳияти борасидаги шарҳлариорқали ўқувчиларга Ибн Сино фалсафасини яқиндан таништиради.

“Донишнома”нинг яна бир муҳим жиҳати унинг тил хусусиятидир. Бу ҳақидаги илмий маълумотлардан биз эронлик тадқиқотчилар Бехруз Маҳмудий Бахтиёрий ва Нафиса Саройилнинг “Ибн Синонинг “Донишномайи аълоий” асари тил хусусиятлари” мақоласидаги таҳлил ва мулоҳазалар орқали воқиф бўламиз. Мақолада шундай келади: “...Шуни қайд этиб ўтиш жоизки, “Донишнома” нинг мантиқ ва табиатга доир қисмида форсий тил хусусиятлари Ибн Синонинг иштироқи билан белгиланади. Айниқса, асарнинг илоҳиётга доир қисми жуда ҳам ўқишли...” (4). Шунингдек, мақолада “Донишнома” асари тил хусусиятининг Ибн Сино яшаган давр адабий муҳити билан боғлиқлиги айтилади. Ҳамда асарнинг бевосита Ибн Сино қалами билан ёзилган дастлабки уч бўлими ва кейинги бўлимлари ўртасида мумтоз форс тилининг матн хусусиятлари, жумладан фарқли жиҳатлари тадқиқ қилинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, Шарқ уйғониш даврида шаклланган илмлар ва уларнинг шарқона фалсафа билан нақадар боғлиқлигига “Донишнома” асари намуна бўла олади. Бу асар қадим юнон фалсафаси ва илмлар ривожининг Яқин ва Ўрта Шарқ фалсафий тафаккурига таъсири ҳамда мусулмон Шарқидаги янги фалсафанинг вужудга келишига асос бўлган илмлар ҳақидадир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. wikipedia.org/wiki/دانشنامه_علائى
2. <http://nedaesfahan.ir/8081/رساله-منطق-دانشنامه-علائى-نوشته-ابو-عل>
3. <http://www.mirasmaktoob.ir/fa/news/1991>
4. <http://www.sid.ir/Fa/Journal/ViewPaper.aspx?id=90285>
5. Moravej P. The metaphysica of Avicenna (Ibn Sina). – New-York, Global Scholarly Publications, 2004. – P.4.
6. دانشنامه علائى. بخش منطق. مصحح آقاي مشكوة. تهران، ۱۹۵۱. – ص. ۱-۲.
7. رساله منطق. دانشنامه علائى. تصنيف شيخ ريس ابو على سينا. با مقدمه و خواشيہ و تصحيح. دكتور محمد معين و سيد محمد ماشكوة. تهران، ۱۳۸۳. – ص. ۳۵.
8. شيخ رئيس بو على سينا. الهيات. تصنيف دكتور محمد معين. تهران، ۱۳۷۳. – ص. ۳۷.
9. عيون الانباء فى طبقات الانبياء باهتمام امرؤ القيس بن الطعان (اكوست مونر) چاپ مطبعة الوهبيہ مصر. طبع اول. – ج. ۲. سال هجرى قمرى ۱۲۹۹. – ص. ۱۹.
10. كشف الظنون. – ج. ۱. چاپ دوم. – استانبول، ۱۹۴۱ ميلادى، ۱۳۶۰ هجرى-قمرى. – ص. ۱۴۴.